

Наманганда қисқа муддатда барпо этилган Мехрибонлик уйи яқинда фойдаланишга топширилди



ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Илхом Каримовга 22 июль куни Оксаройда Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жан-Бернар Харт ишонч ёрлигини топширди. Франция Ўзбекистоннинг аънанавий савдо шерикларидан. Мамлакатларимиз ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳам ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон — Франция муносабатларида илм-фан ва маданият соҳасидаги алоқалар алоҳида ўрин тутди. Мамлакатимиз раҳбари дипломатни янги лавозимга тайинлангани муносабати билан кутлар экан, Ўзбекистон Франция билан икки томонлама муносабатларини янада ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Элчига бошланғич фаолиятида муваффақият тилади. Ж.Харт самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, ўз фаолияти давомида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади. Ўртимизда улкан ўзгаришлар юз бераётганига гувоҳ бўлгани ва бу янгиликлар Ўзбекистон — Франция муносабатларини сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда ҳар томонлама ривожлантириш учун имкониятлар кўплигини далolat беришини қайд этди.

Шу куни Президент Илхом Каримов Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Петер Бурхарддан ҳам ишонч ёрлигини қабул қилиб олди. Швейцария турмуш ва аҳоли даромадлари бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирида туради. Мамлакатда металл қайта ишлаш, машинасозлик, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, тўқимачилик санoати ривожланган. Швейцария соатсозларининг маҳсулотларини бутун дунё эътироф этган. Швейцария билан Швейцария ўртасида; айниқса, машинасозлик ва тўқимачилик санoати соҳаларида икки томонлама манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари катта. Мамлакатларимиз сайёҳлик борасида ҳам алоқаларни юксак самара билан ривожлантириши мумкин. Шу масалалар юзасида фикр алмашиш учун Президент Илхом Каримов элчининг фаолиятига муваффақият тилади. П.Бурхард Ўзбекистон — Швейцария муносабатларини ривожлантиришга ҳисса қўшиш имконияти тутилганидан мамнуният ихор этди. Умумий манфаатларимизга хизмат қиладиган хайрли ишларни баҳарий йўлда ғайрат-шижояти аямаслигини таъкидлади.

Кўркам, озода, шиНам...

Етти гектардан зиёд ҳудудни ўз ичига олган муҳташам, замонавий бинони 503-хўжаликларaro механизациялашган кўча жамланма ва бошқа қурилиш жамoалари бунёд этди. Бу хайрли ишда жами 600 миллион сўмлик қурилиш-

монтаж ишлари бажарилди. Янгича услуб, кўркамликни мужассам этган 26-Мехрибонлик уйининг ўқув, дам олиш, ётоқхона, овқатланиш хоналари, спорт зали замон талаби даражасида жиҳозланган. Унда компь-

ютер, инглиз тили хоналари мавжуд. Муҳими, ушбу янги бино болажонларга катта совға бўлди. СУРАТЛАРДА: 26-Мехрибонлик уйи фаолиятидан лавҳалар.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

Хабарлар оқимидан

Тағбиркор аёллар кенгаши

Самарқанд вилояти "Тағбиркор аёл" уюшмасида "Ҳақамлик судлари — иқтисодий тортишувларни ҳал қилишнинг муқобил механизми сифатида" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг юртимиздаги ҳудудий маркази, Тошкентдаги ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган анжуманда республикамизда ҳақамлик судларини ташкил қилиш ҳамда улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳусусида сўз борди.

"Туркистон-пресс".

Ноёб топилма

Жиззах вилояти ўлкашунаслик музейида V-VI асрларга мансуб улкан хум қайта таъмирланиб, томоша залига қўйилди. Жиззах шаҳрининг шарқий қисмидан топилган, яхши пишилган лойдан ясалган ушбу хумнинг баландлиги 1 метру 75 сантиметрни, диаметри эса 42-45 сантиметрни ташкил этади. Тарихий манбалардан маълумки, бундай хумлардан сув, ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари сақлаш учун фойдаланилган. Айна пайтда ушбу топилмага нафақат аҳоли, балки олимлар ҳам қизиқиш қилишди.

Б. САТТОРОВ,
"Халқ сўзи"
мухбири.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги грантлар

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов ва АКШнинг Савдо ва тараққиёт агентлигининг (USTDA) Евросийё бўйича минтақавий директори Д.Штайн қиймати 503 минг АКШ долларига тенг грант шартномасини имзолади. Шартнома давлат бошқарувиغا электрон технологияларни жорий қилиш режасини ишлаб чиқишга қаратилган.

Имзоланган ушбу ҳужжат агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги "Компьютерлаштириш янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони ижроси бўйича амалга ошириладиган ишлардан дарак беради. Ийрик хорижий компьютер ва ахборот компаниялари билан халқаро ҳамкорликни ривожлантириш

ҳам Фармонда белгиланган устувор вазифалар қаторига қиради. Ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатлари иқтисодий ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий татбиқ этиш ва фойдаланиш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш учун қулай шароит яратишга ёрдам бериши лозим. Ўзбеки-

стон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва USTDAнинг ҳамкорлиги ҳам ана шу вазифаларга хизмат қилмоқда. Тузилган шартномадан қўзланган мақсад Ўзбекистон Республикасида электрон ҳукуматни (E-government), жумладан, электрон солиқ солиш бўйича тажриба лойиҳасини жорий қилиш режасини тайёрлашдир. Бу борада стратегик вазифалар ишлаб чиқилган бўлиб, уларда қўйилган

мақсадларга эришиш шартлари қайд этилган. Ушбу стратегик вазифаларда Ўзбекистонда E-government учун мавжуд базавий инфраструктура, ушбу масала бўйича давлат устуворликларини баҳолаш, донор ташкилотлар вакиллари билан музокаралар ўтказиш кўзда тутилган. Электрон ҳукумат стратегиясининг назорат йўналишлари ва бунинг учун бошқа мамлакатлар мисолида муҳит яратиш Ўзбекистонда маҳаллий шароит ва юзага келган вазиятни ҳисобга олиш имконини беради. Шунингдек, бу борада чет эллик мутахассислар иштирокида семинарлар ўтказиш ҳам назарда тутилган. Тузилган грант шартномасини 18 ойда амалга ошириш мўлжалланган. Ушбу шартнома бўйича ишлар энди бошланаётган бўлса, USTDA билан аввал-

(Давоми 2-бетда).

БУХОРОДА СЕМИНАР

БУХОРО (ЎЗА мухбири Илхом САФАР). Вилоят ҳокимлигида "Ўзбекистонда 2004 йилда эркин демократик сайловлар ўтказишнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Республика Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев маъруза қилди. Семинарда сиёсий партияларнинг сайлов кампаниясини молиялаштириш, ошқора ва очик сайлов жараёни механизми, ташвиқот-реклама таъиноти, сайловда иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қузатувчилар, ишончли вакилларнинг ҳуқуқлари, округ, участка сайлов комиссияларининг ҳолиси иш олиб бориши учун тегишли шароитлар яратиш билан боғлиқ мавзуларда фикр алмашилди. Семинарда Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов иштирок этди.

(ЎЗА).

ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қорақалпоғистон Республикасини 2004 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига бағишланган мажлиси бўлди. Уни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Т.Тангирбергенов бошқарди. Мажлисда Президент Илхом Каримов томонидан мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар-

(Давоми 2-бетда).

Илмий ҳамкорлик ривож топмоқда

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Бехзод Йўлдошевнинг Буюк Британияда ўтказган уршувлари давомида мамлакатларимиз илмий марказлари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Британия академияси вице-президенти Николас Манн билан музокара ниятида имзоланган битим ҳам истиқболда биргаликда қилинадиган ишларни назарда тутди. Қироллик жамияти ижроси котиби Стефан Кокс ўзбек ҳамкаси билан учрашиб, Миллий фанлар академияси Бирлашган Қиролликда британиялик мутахассислар билан илмий тадқиқотлар олиб боришга интилаётган

ёш ўзбек олимларини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини маълум қилди. Айтиш жоизки, сўнгги тўрт йилда мамлакатимиз академик фанининг ўн олти нафар вакили Буюк Британия илмий тадқиқот ташкилотларида, ўз навбатида икки нафар инглиз олими Ўзбекистон илмий тадқиқот лабораторияларида бўлишди. Хозир Қироллик жамияти Ўзбекистон олимларига Буюк Британия университетларида тадқиқот ишлари олиб бориш учун тўртта ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мақсадларига урта грант ажратди. Бехзод Йўлдошев Кембриж университети таркибига кирувчи Тринити, Нью Холл ва Исо коллежлари,

Шарқ тадқиқотлари, муҳандислик, антропология департаментлари ва Кавендиш лабораторияси раҳбарлари билан ҳам учрашди. Лондон археология институту директори Питер Юко ҳамда археологик материаллар ва технологиялар профессори Тило Рихрен билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Самарқанд археология институту билан ҳамкорлик муваффақиятли ривожланаётгани қайд этилди. Сўнгги тўрт йил давомида икки институт олимлари Наманган вилоятидаги қадимий Ахсиент шаҳарчасида биргаликда қазилма ишларини олиб боришмоқда.

"Жаҳон" АА.
Лондон

Осиё чемпионати

Футболчиларимиз чорак финалда

Футбол бўйича Осиё чемпионати учун Хитой майдонларида кечаётган баҳслар тобора қизиқ, муҳлисларни ўзига жалб этмоқда. "С" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон терма жамоаси биринчи тур учрашувларидан кейин уч очко билан пешқадамликни қўлга киритганидан хабарингиз бор, албатта. Равшан Хайдаров шогирдлари иккинчи тур уйинида Саудия Арабистони билан баҳслашди. 15 рақами остида уйнаётган футболчимиз Александр Гейрхис уйининг 12-дақиқасида жарима майдончасига яқин жойдан аjoyиб тарзда гол киритди. Ҳисоб 1:0. Жамоалар биринчи таймдан ана шу ҳисобда чиқиб кетишди. Иккинчи таймда икки томон ҳам шиддаткор ўйин намойиш этган бўлса-да, бошқа гол киритилмади. Демак, Ўзбекистонлик футболчилар чорак финални муддатидан илгари нақд қилиб қўйишди.

Мақсуд МИРЗО.

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҒОЛИБЛАРИ

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Б.ХИДИРОВА). Мамлакатимизда ўқувчиларнинг пухта билим олиши учун барча зарур шароит яратиб берилган. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган улкан эътибор уларнинг нуфузли халқаро фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этишига имкон яратмоқда. Узининг истеъдоди ва ижодий қобилияти, танла-

ган фанини чуқур ўрганишга бўлган қизиқиши туфайли мамлакатимиздаги бир қанча танловларда ғолиб чиққан умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларидан олти нафари Греция пойтахти Афина шаҳрида ўтказилган ёш математикларнинг 45-Халқаро олимпиадасида катнашиш шарафига муяссар бўлди. Олимпиадада дунёнинг

85 давлатидан қарийб беш юз нафар ўқувчи иштирок этди. Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги 1-ихтисослашган мактаб ўқувчиси Собит Собиров эса олимпиаданинг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди.

Халқаро олимпиада бронза медали соҳиблари мамлакатимиздаги олий ўқув юртиларига имтиёзли қабул қилинади.

"Халқ сўзи" назоратида

Доимий иш олиб борилади

"Бозор бокимандаликни ёқтирмайди" ("Халқ сўзи", 2004 йил, 9 июнь) сарлавхали мақолада китоб савдоси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг Навоий вилоятидаги ижроси қай йўсида амалга ошириладигани ҳусусида атрофлича фикр юритилган эди. Мазкур мақола юзасидан таҳририятимизга келган расмий жавобда шундай дейилади: "Ақсарият китоб дўконлари, ҳақиқатан ҳам, бозор иқтисодий шартларида давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштириб юборилган. Шундай бўлса-да, бугунги кунда вилоятда хусусийлаштирилган китоб дўконларида фаолият турини сақлаш бўйича шартномалар узайтирилиб, аҳолига хизмат кўрсатилмоқда. Туман ва шаҳар марказларида жойлашган деҳқон бозорларида китоб ва канцелярия маҳ-

сулотлари билан савдо қилувчи алоҳида расталар учун жой ажратилган. Вазиятдан келиб чиқиб, туман ва шаҳар ҳокимликларига бир ой муддатда китоб билан савдо қилувчи дўконларни аҳоли гажжум бўлган жойларда очиб муаммосини ҳал этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди. Ўз навбатида вилоят "Китоб" очик акционерлик жамияти ҳам китоб магазинларини қўйиб-қўйиб талабини қондира оладиган қизқарқил адабиётлар билан таъминлаш юзасидан наشريётлар билан шартнома тузиб, белгиланган режатадбирларни амалга оширишда маъсул эканликларни кўрсатиб ўтилади. Вилоят ҳокимлиги китоб савдоси масаласини ўз назоратига олиб, жойларда аҳолининг китобга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида доимий иш олиб боради. Навоий вилояти ҳокими ўринбосари Ч.ҚАНОАТОВ".

Нур ато Этилган шаҳар

Бугун географик жиҳатдан пуриқор ва кенг тоғ тизмалари, қишлоқ хўжалигида қорақўл терилари, қурилишда ноёб мрамрлари билан машҳур Нурота ўлкаси тарихида маданият, илм-фан ривожини учун катта ҳисса қўшган шаҳардир. Шу йил бошидан Нурота тарихий-меъморий музей мажмуаси дея номланди.

Маълум бўлишича, шаҳарнинг илк номи Нурота. Ривоятларга кўра, пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам баланд тоғда турган пайтларда бир жойдан нур таралётганини кўриб, «Бу нур қандай нур?» дея Аллоҳдан сўраганларида, Аллоҳ «Мен ўзимнинг севган умматларимгагина бир зийратгоҳ қурганман, унга нур ато этганман», дея жавоб қилибди. Шаҳарнинг иккинчи номи Нурота бўлиб, у киши Шайх Абул Хасан Нуридир. Ул зот ҳақида Алишер Навоийнинг «Насойим-ул мухаббат» асаридида маълумот берилган. Унга кўра, шайх VIII асрнинг охири IX асрнинг бошларида ислом лашкарлари билан келиб, Бухоро ва Зарафшон воҳаларида ислом динини тарғиб этган. Вафот этган йили қабр тошига 907 йил деб ёзиб қўйилган. Қабри чашма бўйидаги боис ҳаёти шу ерда кенган дейилади. Чашма тепасида яна бир қабр бор. Музей директори Шавкат Исмоилов чашма мажмуини таъмирлаш вақтида одам суюқлари топилиши, кейин бир жойга йиғилиб, қабр қилинганлигини таъкидлади. Ривоятларга кўра, Бағдод халифаси, Шайх Абул Хасан Нуридирни чақирган эканлар, шунда ул зот «Мен боролмайман, бир оғизам бор», дея жавоб қилибдилар. Шу боис қабрга «Шайх Абул Хасан Нуридирнинг қизлари», деб ёзиб қўйилган экан.

Қабр ёнида беш панжа шаклида қудук мавжуд, бир ривоятда бу ерга Аллоҳ панжасини уриб сув чиқарган, яна бирида эса бу қудукни Искандар Зулқарнайн келиб қурдирганлиги ҳақида маълумотлар бор. Чашма атрофида кўплаб ёдгорликлар жамулжамлиги бизни қизиқтирди. Библиомизча, биринчиси XVI асрда қурилган Абдуллаҳоний масжиди, иккинчиси Чилустун жоме масжиди. Шунингдек, у ерда археологик ёдгорлик ҳам бор — бу Нур қалъаси деворларидир. У эраимиздан олдинги 329-327 йилларда Искандар Зулқарнайн томонидан қурдирилган.

Ўлкаси тарихи



Нуротанин кўплаб мрамр буюмлари жаҳон музейларидан ўрин олган.

лидаги маданий қатлам 40000 ёшда экан. Демак, юқори полеолит даврида бизнинг аجدдоларимиз форларда яшаган, чашманинг сувидан баҳраманд бўлишган. Чашма тиббий ёдгорлик саналади. Сувнинг таркиби текширилганда, ер остидан турли минераллар, микроэлементлар эриган ҳолда чиққан экан. Чашмадаги балиқлар сув ҳароратини бир меърада сақлайди, сувнинг кўпроқ чиқишини таъминлайди, катализатор вазифини ўтайди.

— Бу ердаги балиқлар азиз саналади, — дейди мажмуа директори. — Уларни ҳатто тутиш гуноҳ, еган одам зарар топиши тайин. Улар энг узоғи, билан 16 йил умр кўради.

Нуротанин азиз жой эканлиги яна бир сабаб шаҳарда ва шаҳар атрофида кўплаб зийратгоҳлар бор. Ҳўжа Убайдулло, Ҳўжа Бурҳониддин, Бова Умар сўфи каби қадимжолар доим одамлар билан гавжум. Бу ерга ҳар бир инсон покизаният, боқира умидлар билан келади. Эгу тилақлар билан қайтади. Чунки бу маскан инсонларнинг қалбига доимо чашма ангил тиниқлик бағишлайди, бегубор туйғулар сингдиради.

Наздимизда, Нурота гаройиб мўъжизалар, хази-налар оролидек таассурот қолдириди. Бу шаҳар ҳақида билганларимиз «Али бобо ва қирқ қароқчи» эртагидаги сөхри горга ўхшайди. Ва лекин «Сим-сим, оч эшигингни» калимасини олимларнинг жиддий тадиққотларига айта олади.

Энди чашма тарихига келсак, тадиққотчиларнинг таъкидлашича, чашма соҳи-
Нурали ШОДИЕВ,
ЎЗМУ талабаси.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши пойтахтдаги тадбиркорларни, ишбилармонларни ҳамда талабалар ва илмий соҳаларда изланиш олиб бораётган ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг мамлакатимиз иқтисодийдини ривожлантириш борасидаги фаолиятини олма ўртасида кенг ёйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Халқ сўзи» газетаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар Кенгаши, Марказий банкнинг шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳар кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касба уюмаси, Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда «XXI ASR», «БВВ» каби бир қатор нашрлар, телерадиоканаллар тахририятлари билан ҳамкорликда қуйидаги йўналишлар бўйича танловлар ўтказишга қарор қилди:

- 1. Ватан иқтисодий ва бизнесини ривожлантириш дастурлари бўйича:**
Битта биринчи ўрин — 250 000 сўм.
Битта иккинчи ўрин — 150 000 сўм.
Битта учинчи ўрин — 100 000 сўм.
 - 2. Маркетинг изланишлар соҳаси бўйича:**
Битта биринчи ўрин — 250 000 сўм.
Битта иккинчи ўрин — 150 000 сўм.
Битта учинчи ўрин — 100 000 сўм.
 - 3. Талабалар ва илмий йўналиш соҳасидаги ёшлар ўртасидаги гоғлар бўйича:**
Битта биринчи ўрин — 250 000 сўм.
Битта иккинчи ўрин — 150 000 сўм.
Битта учинчи ўрин — 100 000 сўм.
 - 4. Товарлар, хизматлар ва технология лойиҳалари бўйича:**
Битта биринчи ўрин — 250 000 сўм.
Битта иккинчи ўрин — 150 000 сўм.
Битта учинчи ўрин — 100 000 сўм.
- Танловлар 2004 йил ноябрь ойида якулланади.

Мурожаат учун манзиллар:
1. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши. Нукус кўчаси, 77-уй. Телефон: 55-88-17.
2. Тошкент шаҳридаги барча олий ўқув юртлири.

Китоб томёпқичлари

— Китоб туманидаги «Қашқаргара» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида черепицалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, — дея хабар беради «Туркистан-пресс» муҳбири. Бир сменада ишлаб чиқарилаётган

1000 дона черепица пешма-пеш хари-дорларга етказиб берилмоқда. Айни пайтда арзон ва сифатли томёпқич маҳсулотлари аҳолининг талаби ортмоқда. Галдаги мақсад, корхонада иш ҳажмини кенгайтириш.

«GARANT MEBEL» МЧЖ

мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлири учун мебелларни арзон нархларда тақлиф этади.



Улгуржи харидорларга чеғирмалар берилади.
Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17.
Факс: 152-21-82.

«Ўздавархитектурулиш» кўмитасига қарашли СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

2004 йил манзил дастури бўйича Сирдарё вилоятида марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилиши керак бўлган объектларга ўтказилган пудрат танлов савдолари натижалари бўйича голибликни кўлга қиритган пудратчилар рўйхатини эълон қилади.

№	Объектлар номи	Объект учун буюртмачининг баҳоси млн. сўм	Голиб ташкилот номи ва унинг манзили	Голиб ташкилотнинг савдога тасдиқланган объект баҳоси млн. сўм	Объектни топшириш мuddати
Буюртмачи — Вилоят ҳокимлиги қурилишда ягона буюртмачи хизмат инжиниринг компанияси.					
1.	Оқ олтин тумани, «Фарғона» ш/х қасб-хунар коллежи	960,9	«Хумо» МЧЖ, Мирзаобод тумани	932,07	2004 йил август
2.	Янгиер шаҳрида «Фотон» заводи биносини медицина қасб-хунар коллежига қайта қуриш	1228,1	«Хумо» МЧЖ, Мирзаобод тумани	1191,3	2004 йил август
3.	Ховос кўрғониди 89-сон мактаб биносини қасб-хунар коллежи учун қайта қуриш	933,3	ХК «Электромонтаж» МКК	905,3	2004 йил август
4.	Сардоба тумани, Ш.Рашидов номи ш/х болалар боғчаси биносини қасб-хунар коллежи учун қайта қуриш	709,1	МКК «Чинобод» шўъба корхонаси, Мирзаобод тумани	612,6	2004 йил август
5.	Боёвут тумани, «Фаллакор» ш/х, 192 уринли мактаб	175,2	«Боёвут» МЧЖ, Гулистон тумани	170,13	2004 йил август
6.	Сардоба тумани, Учтом қишлоғида ҚВП	27,45	«Строй сервис» ХК, Гулистон ш.	26,63	2004 йил апрель
7.	Боёвут тумани, «Дехқонобод» ш/х, Каропчи ҚВП	29,35	«Строй сервис» ХК, Гулистон ш.	28,45	2004 йил апрель
8.	Боёвут тумани, «3-Боёвут» ш/х, 4-бўлимда ҚВП	35,63	«Строй сервис» ХК, Гулистон ш.	34,99	2004 йил август
9.	Сирдарё тумани, «Малик» ш/х, Наврўзобод ҚВП	56,35	С-Риза-1 ХКБ, Сирдарё тумани	55,1	2004 йил август
10.	Ховос тумани, «Шарқобод» ш/х ҚВП	56,35	3-ХКБ-Р, Боёвут тумани	55,99	2004 йил октябрь
11.	Гулистон тумани, «Уч қарамон» ҚВП	36,05	«Умид» ХФ, Гулистон тумани	35,18	2004 йил май
12.	СПТУ-10 биноларини қасб-хунар коллежи учун қайта қуриш	884,65	«Гелиос ТБУ» ХТКК, Гулистон ш.	829,85	2005 йил
13.	Боёвут тумани, Болғали қишлоғини газлаштириш	11,75	«N.I.L.A.L.F.A.» МЧЖ, Гулистон ш.	11,2	2004 йил май
14.	Боёвут тумани, А.Темур қишлоғини газлаштириш	15,4	«N.I.L.A.L.F.A.» МЧЖ, Гулистон ш.	14,63	2004 йил май
15.	Гулистон тумани, Олтин тала қишлоғини газлаштириш	15,4	«Сирдарёгаз», Гулистон тумани	15,2	2004 йил май
16.	Сайхунобод тумани, Пахта учун қишлоғини газлаштириш	11,7	«Сайхунободгаз», Сайхунобод тумани	11,62	2004 йил май
17.	Сайхунобод тумани, Шолуқуш қишлоғини газлаштириш	14,55	«Сайхунободгаз», Сайхунобод тумани	14,1	2004 йил май
18.	Сирдарё тумани, Қозоқовул қишлоғини газлаштириш	10,55	«N.I.L.A.L.F.A.» МЧЖ, Гулистон ш.	9,7	2004 йил май
19.	Боёвут тумани, Собиробод қишлоғини газлаштириш	18,4	«Боёвут тумангаз», Боёвут тумани	18,4	2004 йил июнь
20.	Боёвут тумани, Дунговул қишлоғини газлаштириш	4,5	«Илхом» МЧЖ, Янгиер ш.	4,2	2004 йил май
21.	Боёвут тумани, Жарбоши қишлоғи ичимлик суви таъминоти	17,5	«N.I.L.A.L.F.A.» МЧЖ, Гулистон ш.	17,4	2004 йил август
22.	Ховос тумани, Дўстлик қишлоғи ичимлик суви таъминоти	21,36	«А.Темур» ХФ, Гулистон ш.	20,6	2004 йил июнь
23.	Сардоба тумани, Пахтаобод кўрғониди 5-тип спорт мажмуаси	160,7	«Хумо» МЧЖ, Мирзаобод тумани	144,61	2004 йил декабрь
24.	Сардоба тумани ичимлик суви таъминотини яхшилаш, 1-2-навбат	464,1	ХКМБ-8 МЧЖ	464,1	1-2-навбати 2004 йил

Буюртмачи — Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси.

1.	Гулистон шаҳар, 7-мактаб биносини капитал таъмирлаш, 1-босқич	42,0	«Бунёдкор-муҳандис» ЧИЧК, Гулистон ш.	39,95	2004 йил июль
2.	Мирзаобод тумани, 17-мактабни капитал таъмирлаш, 1-босқич	40,0	«Нуроний» КМКК, Янгиер ш.	33,0	2004 йил июль
3.	Сирдарё тумани, 30-мактабни капитал таъмирлаш, 1-босқич	38,0	«Фарз» ХФ, Сирдарё тумани	35,5	2004 йил июль
4.	Сардоба тумани, 2-мактабни капитал таъмирлаш, 1-босқич	41,0	ХКМУ, Сардоба тумани	38,6	2004 йил август
5.	Гулистон тумани, 2-мактабни капитал таъмирлаш, 1-босқич	40,0	4-ХХМБ, Гулистон тумани	37,9	2004 йил июль
6.	Сайхунобод тумани, 35-мактабни капитал таъмирлаш, 1-босқич	37,0	«Давр» ХИЧК	34,8	2004 йил июль

Турли қувватга эга бўлган тегирмон ускуналари ҳамда эҳтиёт қисмларини завод нархларида етказиб берамиз.

Сервис хизмати билан таъминлаймиз.

144-45-58
155-43-93

Товар сертификатланган

«Ист-Баттерфляй» КЎШМА КОРХОНАСИ

36 хил турдаги зангламайдиган пўлатдан Европа стандартларида, экологик тоза, бежирим

ОШХОНА НАИШ-АНЖОМЛАРИНИ ишлаб чиқаради ва сотади.

Маҳсулот сертификатланган.

Хусусий тадбиркорларни ҳамкорликка тақлиф қиламиз. Корхона ишчиларини қабул қилади, касба ўргатади.

Манзилимиз: Тошкент ш., Э.Мараимов к., 17-уй.
Телефон: 67-82-13 («Салор» базаси яқинида).

«OzLoto» лотереяси 31-тираниннг

ҲИСОБОТИ

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган рақамли «OzLoto 6/40» телевизион лотереясини ўтказиш шарт ва қидаларни асосида ўтказилди.

Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 24 8 13 11 12 22

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 17 июль

Ўйналган ютуқлар:	Ютуқ категорияси	Ютуқ фонди	Ютуқлар сони	Бир ставка ютуғи
6та турли топилган сон учун	100 000 000	0	0	0
5та турли топилган сон учун	1 315 150	0	0	0
4та турли топилган сон учун	319 275	27	11 825	
3та турли топилган сон учун	1 117 462	505	2 212	

Ўтилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жағмарасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 24 июль куни ўтказилади.

Кейинги тиражнинг **ЖЕК-ПОТ** суммаси: 100 000 000 сўм

Тўқин ҳаёт сари!

Тошкент, Навоий йўли 24 тел. 136-70-84

Қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер, деҳқон ва чорва хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ШАКЛИДАГИ

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ВА ЭҲТИЁТ ҚИСМАЛАР БАЗАСИ

куйидаги маҳсулотларни пул ўтказиш йўли билан сотади.

- 1. Қишлоқ хўжалик шиналари:**
 - 13.6x38 — 189 200 сўм;
 - 15.5x38 — 212 300 сўм;
 - 9.00x16 — 65 000 сўм;
 - 9.5x42 — 146 200 сўм;
 - 720/685 ФД — 650 000 сўм.
- 2. Тракторлар (Минск трактор заводи — МТЗ):**
 - МТЗ - 80.1.57 — 17 500 000 сўм;
 - МТЗ - 82.1.57 — 17 750 000 сўм.
- 3. Дизелли трактор двигателлари:**
 - Д - 243 - 202 — 2 800 000 сўм.

Маҳсулотлар сертификатланган. Мурожаат учун телефонлар: 41-38-80, 132-12-04, факс: 132-11-06.



Меҳмонимиз ўзбек тилини андак бузиб гапирарди. У айтаётган гапларда тушуниқсиз сўзлар талайгина эди: — Чўғ Чақирга кўнглим талпинур... Одамлар елиб-югуришди. Одамлар тарадуд кўришди. Аслида тузукроқ елиб-югуришнинг тайини йўқ эди. Тарадуд деганлари ҳам йўлга ҳамроҳликка даъвогарларнинг ўзaro баҳасидан бошқа нарса эмасди.

БОЛАЛАРНИ

ЎЙФОТНИНГ

Чанговул пастидаги Эргашбулоққа тўхтади. Еши тўқсондан ошган меҳмонни тирасқаридан тўтиб пастга туширдик. Ер қаёридан отилиб чиқаётган зилот сувга юз-кўларини ювган қариянинг чеҳраси ёришиб кетди. Қўнботар томондаги тепаликлардан келган қариянинг амаки-тамақлари топилди. Нормат тоғаникка йиғилган кишилар меҳмоннинг оқ сурдан тикланган лосимига, ана шу яқин устидан кийиб олган чарм нимчасига, бармоқларидики ёқут кўзи кўш узукларга, бир текис кўзалган соқол-мўйловига зўр қизиқиб билан тикилишарди.

зовталанди. Сафари қариганлигини айтиб, ортага қайтмоқчилигини билдирди. Узини кузатгани чиққан қариндошларига янаги йил ҳам келишини айтиб, анча пайт хайр-хўшладди.

Гулистон шаҳрининг 3-даҳа-сидаги бозорда нос сотади-дан Хошимжон ақани узук йиллардан бери танийман. Андижоний тахаллуси билан шёрлар машқ қилиб туради. Машқларини бадиий жиҳатдан юксак, деб бўлмайди. Содда эсади. Анагача кўнглига яқин эсади.

Хошимжон ака, қачон қараманг, бегозота юради, беҳалолат юради. Қачон қараманг, укаси Таштемирнинг кутади. Таштемир Андижон вилояти ички ишлар идораларида ишлайди. Кўпичча воқеа шундай

сини сўранг. Ана шунда у одам очилиб кетади. Бу одам тўққинла-ни кетади. Бу одам фахрлиниб кетади.

Боевуда Мурод исми йигит бор. Унинг тўриқ отига бир бойвачанинг кўлиги тушди. Бош-ма-бош алиштиришга аввал янги юк машинасини, кейин енгил машинасини, Мурод кўнмагач, охири уч ой минилган «Нексия»сини тақлим қилди. Улок тарқанган бўлишга қарамасдан, оломон тарқамди. Бойвача билан Муродни ўраб олишди.

Жў ука, мен бировдан нарса сўрайдиган одаммасман. Шу отинг кўзимга олов бўлиб кўринапти. Сен юрт таниган полвонсан. Узингга бошқа от топарсан... Кел, шаштими қайтарма?

Мурод чавандоз яхши йигит. Муомалали йигит. Меҳмондуст йигит. Ана шу муомалали йигит бойвачанинг шаштини қайтарди. Айримлар: «Бер. Отни бериб юбор. «Нексия»нинг алтирашини кўраясанми? Билмайсиз, туринингиде кўнглигиде кўтариб катта қилган-

юради. Саратонда ҳам отига куруқ беда беради. Мурод, назаримда тушларида ҳам фақат отини кўради. Хали атак-чекач бўлмаган ўғлини ҳам отда олиб юради. «Нексия»миш-а? Ҳа, ўргидим, машинангдан...» дейиши тайин. Хошим ака эса укасининг ҳаммадан афзал бўлишини бир умр қўтиб яшаган-дек бўлаверарди.

Бир таниш шоир бор. Юрт парварлик тўғрисида кўп ва кўп шёрлар эсади. Шёрларини чарм халтада олиб юради. Шёр ўқиётганда икки бармоғи билан лабларининг зийдаги қўлиқлари тез-тез артиб туради. Бу шоирнинг шёрлари менга умуман ёқмайди. Шёр битилган қозғоларда доғлар бор. У доимо юрт ҳақида битилган даста-даста шёрлар ёнига хотини пишириб берган ёғли бўғир-соқлар солиб юради. Шу қадр баркиб, баъзан шу қадр қийқириб ўқиди-ки ҳар сатри ундов белгиси билан тугайдиган бу битилган шёрларнинг чучимаган оқмоқдай уриб кетган.

Мен аниқ биланам: бу одам кўкдам дегани нелигини билмайди. Бу одам тарновлардан оқаётган ёмғирларга кўларини бирон мартаба тўтиб қурмаган. Бу одам шўдринг тушган ўт-ўлан устида бирон мартаба яланғоқ юрмаган. Бу одам бугўтларда кўнуб турган мусиқанинг қандай қуқулашини, қандай қилиб патларини хурлайтиришини билмайди. Ёмғирдан сўнг пайдо бўладиган уфқдаги найкамалак рангини сўранг. Тили дудуқлаб, не дейишини билмай доғдириб қолади. Бу одам, бу шоир тонгда туриб қўёшга салом бермайди. Ана шу қўёш уфқларга қандай боғишини тасаввур ҳам қилмайди. Бу одам шёр эсади. Юрт ҳақидаги шёрлари ва ёғли бўғирсоқларни битта халтага солиб кўтариб юради. Ахир, юрт деганлари халтага сиғидими?

Биланам. Мен баъзан шошиб қоламан. Баъзан доғдириб қоламан. Лекин барибюрт юрт деганлари Хошимжон ақанинг Таштемирга бўлган соғинчи деб ўйлайман. Муроднинг отига бўлган меҳри деб ўйлайман. Юрт деганлари Чақир қиларидега ўтлар устига дуриллаб туқилган кўз ёшлари деб ўйлайман. Қўларига хинолар кўйган, кўларига сурмалар сурган Қумуш-биби, деб халт қиламан.

Субҳидам. Пашшахонадан сирғаб бир аёл чиқди. Ўзларини ариқ суварига қайди. Бостирма-да челақ тақирлади. Зум ўтди ана шу челаққа повиллаб сўт қуйилди. Бир этак катта-кичик болакайлар пашшахонада ётибди. Пашшахоначи эса шобдалар гоҳ шашир ради, гоҳ пучалда қиларди. Болакайлар ташнади. Болакайлар эс-нади. Болакайлар оталарининг пињижага тикиларди. Дарахтларда чумчуқлар чирқиларди. Каталакдан чиққан ит орқа оёқларини ортага чўзиб керилади. Хурозлар отаётган тонғича қўлаб оламга жар солади. Сувқўсок баргларидега шўдринглар алтирайди. Атиргулар ана шу шўдрингларга юзларидан ўпич беради.

Юрт деганлари мана шўдринг. Ватан деганлари бундан ўзгаси эмас. Бизнинг шундан бўлак ҳеч нимамиз йўқ. Болаларни ўйотнинг, улар қўвшини курсин. Болаларни ўйотнинг, улар тоғларга қарашин. Болаларни ўйотнинг, қўшларга дўст тутишининг. Болаларни ўйотнинг, дастурхонга қаймоқ қўйишди. Болаларни ўйотнинг, гулзорларда калапаклар хиром айлапти. Уларни эртароқ ўйотнинг, юрт нелигини улар эртароқ англаб етишин. Юрт деганлари уларнинг юрагини қўшдек ёритиб турсин.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Публицистика

бўлади. Биринчи қулупнай чиқди-ми, бас, Хошимжон ака икки-уч килограмм харид қилиб, устига олиб бориб қўяди. Помидор, бодиринг пицца ҳам, бозорга ўрак олиб келишса ҳам, албатта, ўлардан харид қилади. Негаки, Таштемир келиб қолиши мумкин. Таштемир келиб қолса, шошиб қолмаслик учун у ҳаммиса тарадуд кўриб қўйиши шарт. Нос сотишдан келган даромадга олинган қўйлақ-туфиларни ёки Таштемир келса тағига солиб берилган чойшабларни айтмасам ҳам бўлади. Йилда бир, нари бора, икки марта ақасини кўришга келадиган Таштемирни шамолга ўшатиш мумкин. Тўстатдан пайдо бўладиган олтишдан ошган ақасини ердан даст узиб тўрт-беш айлантаради. Бир пиёла чой ичган-чалик пайтада Андижондаги янгиликларни шариллатиб айтиб ташлайди. Хошимжон ака лол қолди. Бундан бош тортабди ўтириб қолади. Муҳонадаги ноз-неъматлар дастурхонга қўйлади ё қўйилмайди. Совға-саломлар шифонерда қолиб кетади. Таштемир қандай пайдо бўлган бўлса яна шундай жўнаб кетади. «Ака, Самарқанддан келаятандим... Янаги сафар бир кеча бемалол ётиб гурунлашамиз. Хўпми? Хозирча хафа бўлмайсиз. Ака, Тошкентга тавтаётганим... Келаятганимда албатта қоламан...»

Хошимжон ака кишининг азигача Таштемирга атаб киркма қовун асрайди. То кўкламга қадар қовун узум яшириб қўяди. Хошимжон ақанинг Россияда иккита қизи ва беш-олти набираси бор. Кейин унинг ёшликда кўнгиб берган Ойдин исми аёли бор. Ойдин қаерда яшашини Хошимжон ака умуман билмайди. Билгани шунки, кирқ йил муқаддам Сурхондарёга келин бўлиб кетган. Ақамиз қизларини, невараларини, Ойдинни соғинади. Улардан ҳам кўпроқ доғдириб келиб, доғдириб қайтиб кетувчи укасини яхши кўради.

Ақамиз андак лоф урадилар. Узларининг лофларидан ўзлари қизариб юрадилар. «Учта жүраси билан Таштемир келиб кетди. Икки кун меҳмон бўлди. Кўнлик-қўшларни чақириб роса микирди. Эсада ана келаман деб кетди.» Бозор. Бозор дарвозасининг олдига соч-соқолига киров кўнган бир одам ўтирибди. У нос сотади. Унинг қўлиги оғир. Каттик гапирмасангиз, гапингизни эшитмайди. Уни гапга солмоқчи бўлсангиз, ука-

сан. Машина қаяқдаю от қаяқда? Одам деган бунақанги керанов бўлмайди...»

Мурод ака ўргатаётган, йўл қўрсатаётган кимсаларга ўқрайди. Кейин забт билан ўзини эзгарга олди-да, одамлар тўдасини ёриб чиқиб кетди.

Муроднинг отаси Шомурод ака ҳам, амакиси Ҳазраткул ака ҳам, амакивачаси Сатторбек ҳам Сирдарёнинг зўр улоқчиларидан. Мурод отда қийғирдай ўтиради. Юз чавандоз тўда бўлиб турган жойдан улоқни қўлиб олади. Шу бола бировга ўзи сўйган отини беради-ми? Шу бола от сотади-ми? Бу одамдан отни олгунча унинг юрагини сўғуриб олган афзал эмасми?

Мурод отни яхши кўрганидан болалигиде охирда ухлаган. Бировлар арпани отга халтада бериш, у еми дўпписиде берган. Шу йилда шу полвон отини бировга бериб бўпти! От бергунча отнинг устида ўлади. Гапинг бўладигани мана шу.

Ўнлаб дўконлари бўлган, қўша-қўша фабрикалари бўлган, вихомизининг бошида тайга олган ватандошимиз Чақирга қайта келмади. Молхўвоннинг четлариде унинг изи қолди. Чинорлару қари туғларнинг танасида бармоқларини тағти қолди. Одамларнинг оғизлариде у ҳақдаги эртакнамо гаплар қолди. Шунча йўл босиб, шунча эл оралаб келган бу қария кимга талпинди? Нега талпинди? Қирда ўтказган оқшомиде нега юм-юм йўлаб чиқди? Чақир деганлари фақат кўкдамиде жананга айланди. Эса эса товадаги ёғдай ёниб тугайди. Одамлар садалар тағиде, ёнқоғлар соғисиде, ноқлар оситида жон сакларди. Ёз бўйи бу қишлоқ ахли тоғлардан келадиган бир ариқ сувга қўз тикиб яшайди. Қария нега мана шундай масканни қайта кўрганда титраб-қақшайди?

Мўминликнинг тирик ҳайкали бўлган Хошимжон ака нега Таштемирни бунчалик интиқиб кутади? Нега бор-будини укасига тутқазибга шай ашайди? Мурод-чи, нега отни беради? Нега яп-янгил «Нексия»га қайрилиб ҳам қарамди? Гап бундай. Мурод дехон йигит. Ёз бўйи далада ишлайди. Бугуде сўғаради. Ҳузани тўдан тозаларди. Тўй-томосҳлардан бошланадиган дамларни саклиз ой кутади. Саклиз ой от совутади. От қашларди. Ана шу отини чўмилиртди.

«ЎЗТЕМИРЎЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

сизларни поездда дунёнинг кўҳна шаҳарлари Самарқанд ва Бухорога сафарга таклиф этади.

Темир йўлда сафар қилиш бошқа транспорт воситаларига нисбатан бир қатор афзалликларга эга.

Темир йўл бу: Бехатарлик! Қулайлик! Ишончлик!

Сафар давомида вагон ичиде бемалол юриш, ювиниш хонасидан фойдаланиш, столада ўтириб овқатланиш, йўловчилар билан суҳбатлашиш имкони бўлади.

Биринчи учта зуррўч темир йўл чипталари нарҳига 30 фоиз чегирма берилади.

1. Сиз тезюрор «Registon» электрпоезиде Самарқанд шаҳрига сафарга боришингиз мумкин. Тезюрор «Registon» электрпоези I ва II классдаги олти вагондан иборатдир. Вагонлар қулай, кондиционерлар билан жиҳозланган, купелари алоҳида бўлиб, ўларда б-тадан юмшоқ ўриндиқли креслолар ўрнатилган.

2. Бухоро шаҳрига шинам купели вагонда тунги «Тошкент — Бухоро» поездиде сафарга борасиз. Эрталаб вокзалда сизни вақилимиз қўтиб олиб, шаҳар бўйлаб экскурсия ўтказида. Ана шу тунги «Бухоро — Тошкент» поездиде эртасига Тошкентга қайтиб келасиз. Сизнинг таклиф ва истақларингизни кутамиз.

Темир йўл хизматидан фойдаланиш! Сафарингиз мароқингиз ўтсин!

Туризм бўлими. Телефонимиз: 199-71-83, факс: 136-46-39. E-mail: uzeldorpass@infonet.uz

Хизматлар лицензияланган (лицензия №189-01) ва сертифициланган.

Ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

	ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ АВТОМОБИЛЛАРНИ СОТАДИ.	
«ГАЗ-31105»	«Ижмаавто» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ — ишлаб чиқарувчи заводларнинг барча моделлариға буюртмалар қабул қилинади.	«ГАЗ-3102»
	Тўлов шакли — турлича. Мулоқот учун телефонлар Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62 Наманганда: (36944) 22-35-9, (99897) 104-25-86.	«ГАЗЕЛЬ»

Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхоналар ва ташкилотлар диққатига!

«Давархитестқурилиш» кўмитасига қарашли **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

танлов савдосини эълон қилади.

Иншоот номи: «Хисорак сув омбори олдиде ГЭС қурилиши учун 80 тонналик кўприкни қран тайёрлаш ва етказиш».

Бошланғич нархи — 330000000 сўм. Бажаринг мuddати — 120 кун.

Буюртмачи — В-қурилатган корхоналар бирлашган дирекцияси. Манзил: Қарши шаҳри, Чақиргоқ кўчаси, 3-уй. Телефонлар 226-12-40, 226-12-31.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ГЭСлари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияни сотишдан тушган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдориде айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, жиҳозларни тайёрлаб бериш бўйича тажрибага ва сертифициатга эга бўлиши талаб этилади.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 51-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 221-07-79.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқориде кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўллам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисиға тақдим этишининг охириг мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин вилает консалтинг маркази биносиде ўтказилади. Манзил: Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 48-уй.

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари диққатига!

«AGREGAT ZAVOD» ОАЖ

ОВХ-600 ВЕНТИЛЯТОРНИ

ДУРКАГИЧЛАРНИ

ишлаб чиқаради ва сотади.

Тўлов — ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан. 23204 ҳисоб рақамига қисман, яъни 50 фоизгача тўлаш

Завод манзили: 700057, имконияти бўр. Тошкент ш. Уста Шаран к., 117-уй. Телефонлар: 148-02-40, 148-11-02, 48-16-51, 48-29-21.

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан

«ХАЛҚ БАНКИ»

Янги **«Маржон»**

Омонатга пул маблағлари 6 ой мuddатга, йиллик 30 фоиз даромад тўлаш шарти билан камида 50000 сўм миқдориде «Халқ банк»нинг барча муассасаларида қабул қилинади.

«Халқ банки» — аҳоли омонатларининг сақлиниши давлат томонидан кафолатланган эғона банкдир!

Маълумот учун телефонлар: 173-69-15, 173-69-16 (ички тел.: 109, 126).

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Европа мамлакатлари бошқармаси бошлиғи Қодиржон Юсуповга волидаи муҳтарамаси **АЗИЗАХОН** аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жамоаси кўмита бошқарма бошлиғи Шоқиржон Мирзаевага отаси **СОДИҚЖОН МИРЗАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтини жамоаси Ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш кафедрасининг собиқ мудирин, профессор **Тамара Уразовна АРИПОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи» газетасининг наватбадаги сони 27 июль — сешанба кунини чиқади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Аббосхон УСМОНОВ**

Тахрир хайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Сандов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Хайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма 1—865, 22202 нуқсад босилди. Аҳеми — 2 тўб. Об'ект устувида босилган. Қозғ. бичими А—2. Ғишета IBM компьютериде тартибда операторлар **Ҳамидов Тоғай** ва **Бақиров Файзува** томонидан сақлаланди.

Тахрирхонада ҳажми 5 котадаги эълон материаллар қабул қилинади. 1—Тижорат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Хайдаров. Навбатчи — С. Анвар. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.00 Топширилди — 1 2 3 4 5